

“УЧҚУН” БИОПРЕПАРАТИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИ БОШҚАРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Раззокова Д., Хаидмухамедова З.Л.

М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Маданий ўсимликларни ноқулай шароитлардан табиий ҳимоя қилувчи моддаларни бошқаларига нисбатан камроқ ишлаб чиқарилиши кенг миқёсда ўрганилмоқда. Маданий экинларини ноқулай шароит ва касалликларга қарши ҳозирги замон дунё амалиётида биопрепаратлардан фойдаланиш долзарб усуллардан бири ҳисобланади. Ўсимликларни абиотик ва биотик шароитдаги стресслардан ҳимоя қилишдаги биологик актив моддалар олигосахарид ва полисахаридлар ҳисобланиб, улар янги препаратларни яратишда табиий хом-ашё бўлиб ҳизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ўсишини бошқарувчи препаратларни АҚШда 1930 йиллардан қўллана бошланди. Биринчи катта амалий аҳамиятга эга бўлган сунъий гармон этилен ҳисобланган. Ҳозирги даврда ҳам ананаснинг мевасини ушлаб қолишда ишлатилади.

2012 йил Францияда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган биостимуляторларнинг 1-Бутундунё конгресси бўлиб ўтади. Унда 56 мамлакатдан 600 та фирма ўз маҳсулотларини таклиф қилишди. Препаратларнинг асосини арахидон кислотаси ва унинг этил спирти ташкил қилиб, ўсимликларнинг ноқулай омилларига, турли инфекцияли касалликларга қарши 1-2 ой давомида курашишига ёрдам беради. Ўсимликларни ҳимоя қилувчи биологик актив моддалар бу – аминокислота, гумин кислоталар, витаминлар, пептидлар, оксил, энзим, олиго-, полисахарид ва бошқалар. Булар янги препаратлар ишлаб чиқаришда табиий хом ашё бўлиб ҳизмат қилиши мумкин. Улар ўсимлик ҳаётидаги асосий жараёнларни жадаллаштиради, яъни ҳимоя функциясини тезлаштиради, ўсимлик организмни стрессларга қарши туришини турғунлаштиради.

Аҳолини сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада янги биопрепаратларнинг роли катта. Буларнинг орасида “Учқун” биостимулятори кенг миқёсда ўрганилмоқда. Бу препарат *Malvaceae* оиласига кирувчи ўсимлик полиизопреноиди асосида тайёрланган. Кўп йиллик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик экинларидан ғўза, буғдой, маккажўхори, бодринг ва помидорнинг ўсиши ва ривожланишига бошқарувчи препарат сифатида таъсир кўрсатди.

Бундан ташқари “Учқун” препарати ўсимликларни касалликларга ҳамда ноқулай муҳит шароитларга қарши тура олишини ортирар экан. “Учқун” препарати Ўзбекистон Республикасининг Давхимкомиссияси томонидан ғўза, бодринг, помидор экинларини ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи препарат сифатида қўллашга рухсат берилди.

“Учқун” биостимуляторининг таъсир кўрсатувчи моддаси *Malvaceae* оиласига мансуб ўсимлик баргларида Х.М.Шоҳидоятов усули асосида тайёрланган бўлиб, биологик актив моддалар йиғиндисини ташкил қилади.

Кимёвий таркиби жиҳатидан α -токоферол, полиизопреноид спиртлари, стероллари юқори алифатик спиртлардан иборат.

“Учқун” биостимулятори пахтачиликда ва сабзовотчиликда юқори ва сифатли ҳосил олиш учун тавсия этилган. Биостимулятор оз миқдорда ўсимликнинг ўсиб ривожланишига яхши таъсир қилиши билан бир қаторда касалликларга ва ноқулай шароитлар (сувсизлик, шўрликга) чидамлилигини, меваларнинг ширинлигини оширади.

Сўнгги йилларда ўсимликларни ўсишини бошқарувчи препаратлар етакчи илмий натижалар асосида биринчи навбатда инсон саломатлиги ва атроф муҳит учун зарарсиз қилиб ишлаб чиқилмоқда.

Бизнинг илмий изланишларимиз ҳам ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи препаратларни синашга бағишланган. Тадқиқотларимизни Ўсимлик моддалари кимёси институтининг Фитотоксикология лабораториясида биология фанлар номзоди Р.Зокирова

раҳбарлиги остида амалга оширдик. Тажрибамиз беш вариантда, икки турдаги (“Учкун” 0,001% ва ГМ – полисахарид 0,001%) препаратларни синаш орқали кузатиб бордик. Тажрибамизда ғўза ва буғдой донларининг униб чиқиши кузатилди. Бунинг учун уларнинг уруғлари препаратга ботирилиб Петри ликобчасида униши ва 5-10 см гача ўсиши фенологик кузатув асосида олиб борилди натижада “Учкун” препарати биров устунлиги аниқланди.